

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ АКАДЕМИЯСИ



**“ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ВАТАНПАРВАРЛИК
ТАРБИЯСИНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ”**

**республика илмий-амалий конференцияси
материаллар тўплами**



ТОШКЕНТ - 2019

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ АКАДЕМИЯСИ



**“ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ВАТАНПАРВАРЛИК
ТАРБИЯСИНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ”**

**республика илмий-амалий конференцияси
материаллар тўплами**

2019 йил, январь

ТОШКЕНТ - 2019

“Глобллашув шароитида ватанпарварлик тарбиясининг маънавий-маърифий технологиялари”. Республика илмий-амалий конференция материаллари// Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси. – Тошкент, 2019. - 482 бет.

Мазкур илмий-амалий конференция материаллари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси Гуманитар фанлар кафедрасининг 2018 йил 27 декабрдаги 7-сонли мажлисида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

Тўплам Республика Маънавият ва маърифат маркази Илмий-услубий кенгашининг 2019 йил 8 январдаги 1-сонли баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

Ташкилотчилар:

Республика Маънавият ва маърифат маркази,
Ўзбекистон Қуролли Кучлар академияси

Маъсул муҳаррирлар:

А.Икромов – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси бошлиғи, генерал-майор

А.Кадиров – Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари

М.Қуронов – Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари педагогика фанлари доктори, профессор

Таҳрир ҳайъати:

Т.Маматқобилов – Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи, сиёсий фанлар номзоди

Ф.Азимова – Республика Маънавият ва маърифат маркази Миллий ғоя ва мафкура тадқиқотларини ташкил қилиш бўлими бош мутахассиси

М.Мусаев – Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Б.Негматов – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси Гуманитар ва ижтимоий фанлар кафедраси бошлиғи ўринбосари, фалсафа фанлари номзоди, доцент

Техник муҳаррирлар:

А.Сатторов, И.Ҳайитмуродов – Республика Маънавият ва маърифат маркази масъул ходимлари

индивид устига хорижий ва ўз юрти оммавий ахборотларининг тўлқини ёпирилди.

Хуллас, ахборотнинг глобаллашувини тўхтатиш имкони йўқ, уни фақат давлатлар, жамиятлар ва шахслар фойдаси ёки зарарига қўллаш мумкин. Шу боисдан ахборот технологияларини унумли ва фойдали ишга солиш йўллариини ўйлаб кўриш лозим. Бугунги кунда ахборот хавфсизлигини таъминлаш фақат компьютер тармоқлари ва инфратузилма хавфсизлигини таъминлашдан иборат бўлмасдан, ягона ахборот маконини ҳимоя қилишни ҳам ўз ичига олади. Ўзбекистонда ҳам ўз миллий ахборот маконига эга бўлиш ва уни назорат қилиш қобилиятини ошириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Давлатнинг мудофаа қобилиятини оширишдан тортиб, то миллийлигимизни муҳофаза этишгача бўлган барча тадбирлар ана шу сиёсатга боғлиқ.

ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ

А.Самадов,

*БухДУ Ҳарбий таълим факультети
ўқитувчиси, захирадаги лейтенант*

Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафасидир. Шу ўринда мухтарам юртбошимизнинг биз педагогларга бола тарбиясидаги юксак ишонч билан айтган гапларини ёдга олсак: “Ўз-ўзидан равшанки, бола тарбиясида баркамол авлод, баркамол шахс масаласи ҳам муҳим роль ўйнашини инкор этиб бўлмайди. Ақли расо ҳар қандай инсон яхши англайдики, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди. Мана шундай баркамол шахсни тарбиялашда сиз педагогларнинг меҳнатингиз беқиёс”.

Тажрибаларнинг тўпланиши натижасида таълим-тарбиянинг дастлабки тамойиллари вужудга келди. Бу ҳақда машҳур мутафаккир Абу Райҳон Берунийнинг «Вақт пиллапояси чексиздир, бир-бирининг ўрнини эгаллаб борадиган авлодлар зинадан зинагагина кўтариладилар, холос. Жамланган тажрибани ҳар бир авлод ўзидан кейин келаётган, ўзидан кейин уни тараққий эттирадиган ва бойитадиган навбатдаги авлодга етказиб беради»,– деб билдирган фикри бағоят ўринлидир. Шу фикрларга таянган ҳолда мен биринчи навбатда ахлоқ ўзи нима? деган саволга жавоб топомқчиман. “Ахлоқ – ижтимоий онг шакли бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида инсоннинг хулқ – атворини йўлга солиб турадиган талаблар,

нормалар ва қоидалардан иборатдир”. Ахлоқий тарбия қуйидаги категорияларга бўлинади: одоб–расм-таомил, хулқ–одатлар, ижтимоий-иқтисодий тузум тақозоси туфайли одамлар ўртасида пайдо бўлган муомала-муносабатларнинг хусусиятлари. Одоб кишиларнинг амалий хатти-ҳаракатлари, муомала-муносабатлари деб қаралади. ХУЛҚ – кишининг муомала ва руҳий хусусиятлари мажмуи; феъл-характер; инсоннинг маънавий қиёфаси ва фаолиятига хос бўлган ахлоқий тушунча. МАДАНИЯТ – жамиятни англаш, ижтимоий ва маънавий ҳаётда қўлга киритган ютуқлари мажмуи, турмушнинг маърифатли киши еҳтиёжларига мос келадиган шароитлари йиғиндиси. МАЪНАВИЯТ – Олий ибтидоларга оғли интилишга қодирлик, кундалик ҳаётда бундайин интилишни муттасил амалга ошириб бориш ва уни инсондаги инсонийликни ифодаловчи ҳислат сифтида англаш. НАЗОКАТ – кишининг юриш туриши, ҳаракат ва қилиқларидаги нозиклик, латофат. Ушбу категорияларни биз ўзимиз тарбиялаётган баркамол авлоднинг оғига синғдира олсак мақсадга мувофиқ бўларди. Албатта, тарбияловчи қанча билимли, дунё қараши кенг бўлмасин, ўзининг ахлоқи билан талабаларга намуна бўла олмаса, унинг тарбия жараёнидаги барча хатти-ҳаракатлари зое кетади.

Маънавий-ахлоқий тарбия тизимида таълим ва билим экологик, миллий ғоя тушунчаларини тўғри шакллантиришга йўналтирилган бўлиши лозим. Шу билан бир қаторда, меҳнат илғорлари, фахрийлари билан учрашувлар ўтказиш, халқ педагогикасидан фойдаланиш талабаларда оғли интизомни шакллантиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Оғли интизом тарбияси оиладан бошланади. Ўз вақтида фарзандига тарбия бермаган ота-она қуйидаги ҳикоядаги каби дили вайрон бўлиб жазосини тортади: («Онасининг тилини узиб олган фарзанд». Юсуф Товаслий) Уч – беш ёшли бир гўдак қўшнисининг уйдан тухум ўғирлаб онасига олиб келиб беради. Ҳаром, ҳалолни билмаган жоҳил она тухумни боласи қўлидан олиб унга: - Менинг ақлли ўғлим, сенга офарин, - деб пешонасидан ўпади. Бола шу кундан бошлаб ҳар кун ёки кун оралаб қўшнисиникидан тухум ўғирлаб чиқа бошлайди. Йиллар шу тарзда ўтди. Бола ёшига қараб ўғирлигини давом эттирди. Тухумдан товукқа, товукдан хўрозга, хўроздан қўйга ўғрилиқ қилиб, текинхўр бўлиб етишди. Аввалига тухум ўғриси бўлган бола ашаддий каззоб ўғрига айланди. Чидаб бўлмас бир ҳолатга келди. Ўғрилиқ, дайдилиқ билан юриб бир кун жуда қабих жиноят қилиб қўйди. Қонун уни ўлим жазосига маҳкум этди. Ўғлининг ўлимга маҳкум этилганини эшитиб она адлия маҳкамасига келди ва фарёд қила бошлади. Юзини тирнаб, сочини юлиб йиғлади. «Менинг бу ҳаётда ўғлимдан бошқа ҳеч кимим йўқ, унга омонлик беринг, озод этинг»,-деб ёлворди.

Қамалган йигитдан сўрадилар: - Сенинг охирги истагинг борми? Аввалдан ҳукм этилганларнинг сўнгги арзларини эшитиш одат бўлган, шунинг учун ундан ҳам сўнгги арзини сўрадилар. Маҳкум бундай деди: “Бир кичик тилагим бор. Суюкли онажонимнинг муборак тилларини ўпишни истайман, шул истагимни қондирсангиз”. Маҳкумнинг истагини адо этиш учун онасининг олдида келиб: “Суюкли ўғлим, сўнгги марта тилимни ўпганингни мен бир кўрай”,- деди. Ўғри йигит онасининг тилини тишлари орасига олди-да, қаттиқ тишлаб, қайчида кесгандай узиб олди, тил «тап» этиб ерга тушди. Шу ерда тўпланганлар «вой-вой», деб юборишди. «Бу бола мунча қаттол, шунча жиноятларни қилгани етмаганидек, онасининг ҳам тилини узиб оладими?», деб ҳайратландилар. Ўлимга маҳкум бўлган йигит: “Ей, бу ерда тўпланган инсонлар! Билмай, бекорга ажабланманг. Менинг ҳозир ўлимга маҳкум бўлишимга сабаб бу ёмон тилдир, у мени шундай қилди!” Ҳамма тажажжубда, йигит давом этди: “Мен гўдаклигимда кўшнимнинг уйидан тухум ўғирлаб келганимда онам менга “офарин”лар айтиб, пешонамдан ўпган эди. Агар ўшанда мени тарбия қилиб, ўғирликдан қайтарганида, бугун бу ўлим жазоси берилмас эди”,- деди. Хулоса: Ёмон иллатларнинг катта – кичиги бўлмайди.

ТАШҚИ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Х.Жабборов,

Республика Маънавият ва маърифат

маркази бош мутахассиси

М.Қўлдашов,

Бухоро вилояти Ёшлар

педагогика коллежи психологи

Бизга ҳозирга қадар ўтмиш тарихлардан маълумки, барча босқинлар, аксарият урушлар бузғунчи мафкуралар асосида бўлгани, кейинги беш минг йил мобайнида одамзот ўн беш мингдан зиёд катта-кичик урушларни бошидан кечиргани ҳаммага маълум ⁸⁶. Урушларни олиб бориш, босқинчиликни моддий ва маънавий тайёрлаш, рақибни ҳарбий қурооллар ва жанг олиб бориш тактикаси асосида, руҳий таъсир кўрсатиш воситалари ёрдамида тор-мор қилишнинг назарий асослари ҳам яратилган. Тажовузкорликни ёқлайдиган, босқинларни, одамлар ва бутун бошли халқларнинг қирғин қилишни оқлайдиган мафкуралар ҳам бўлган.

⁸⁶Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2000. – Б. 53.

	такомиллашувининг ижтимоий-маънавий масалалари	
22.	З.Салиева, Р.Рафикджанова. Глобаллашув шароитида ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини ривожлантириш зарурати	79
23.	Ф.Азимова, Б.Хусанов, Б.Камолов. Глобаллашув шароитида ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданияти маънавий эҳтиёж сифатида	81
24.	И.Ҳайитмуродов. Ахборот хуружларига қарши курашда мафкуравий иммунитетни шакллантириш масалалари	85
25.	А.Хурсанов. Интернет – ёшлар ижтимоий ҳаётида маънавий таҳдидлар объекти сифатида	88
26.	Ш.Курбанова. Глобаллашув шароитида ёшларни турли таҳдидлардан ҳимоя қилишда маънавий тарбия воситалари	91
27.	С.Жуманиёзова. Глобаллашув жараёни ва унинг аёл маънавиятига салбий таъсири	94
28.	И.Аҳмедов. Глобаллашувнинг миллий ғояга таъсири	97
29.	Н.Қобилова, Г.Рахматова, Д.Жабборова. Миллий армиямиз ривожланишида мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг ўрни ва аҳамияти	102
30.	З. Мавлонова. Ўзбекистонда ёшлар қатлами	104
31.	Г.Неъматова. Глобаллашув шароитида ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммолари	107
32.	А.Самадов. Глобаллашув даврида баркамол авлодни тарбиялашда ахлоқий тарбиянинг ўрни	110
33.	Х.Жабборов, М.Қўлдашов. Ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитет шакллантиришнинг психологик хусусиятлари	112
34.	С.Усмонов. Глобаллашув шароитида ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш масалалари	118
35.	Ш.Халметова, З.Айткалиева, Б.Пайзиев. Роль военно-патриотического воспитания в условиях современной глобализации	120
36.	Д.Мирджалилова, Н.Курбонова, Р.Машиарифов, Р.Хонжонова. Беречь как зеницу ока родную землю, независимость страны – это долг и честь каждого из нас	123
37.	С.Рахмонов, З.Эгамберганаева. Защита молодежи от духовной угрозы в условиях глобализации	126
38.	Ж.Раматов. Ёшларда ватанпарварлик фазилатини шакллантириш – таълим-тарбия соҳасининг асосий вазифаси	129
39.	Б.Очилова. Етук шахс гармонияси	131
40.	Р.Холиқова. Ёшлар маънавиятини юксалтириш долзарб вазифа сифатида	135
41.	К.Насиров. Ҳарбий таълим муассасаларининг тингловчиларида ватанпарварлик фазилатини ривожлантириш асослари	140
42.	М.Алимова. Ёшларда ватанпарварлик фазилатини тарбиялашнинг маънавий асослари	143
43.	Н.Расулова. Тарихий мерос – ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги муҳим мезон	146